



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Ўздавнефтгазинспекция»
бошлиғи

Л.Ақбарходжаев
«18» севраль 2016 йил

**“Жисмоний ва юридик шахсларнинг
мурожаатларини” кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги
регламент**

1. Хизмат тарифи.

1.1. Хизмат номланиши

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини” кўриб чиқиш.

1.2. Хизмат натижаси

Мурожаатчига ёзма равишда ёки электрон почта орқали ахборот бериши.

1.3. Хизмат кўрсатувчи органлар.

“Ўздавнефтгазинспекция” марказий аппарати ва ҳудудий бўлимлари.

1.4. Ҳуқуқий асослар

2014 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-378-сон “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сонли қарори.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли қарори.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги “Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 328-сонли қарори.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 328-сонли қарори.

1.4. Жавобни қабул қилувчи

Мурожаат этувчи жисмоний ёки юридик шахс.

1.5. Ариза, шикоят ва таклиф бериш муддатлари

Ариза, шикоят ва таклиф бериш муддатлари Қонунда белгиланмаган (17 модда).

1.6. Бажариш муддати

1. Ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган “Ўздавнефтгазинспекция” ва унинг ҳудудий бўлимларига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқиши.
2. Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиши учун тегишли ўтказиш, қўшимча материаллар сўраб олиши ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриши зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари инспекция бошлиғи томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилиши.
3. Агар аризада қўйилган масалалар “Ўздавнефтгазинспекция” ваколатига кирмаса, мурожаатни 5 кун ичида тегишли органларга юбориши ва бу ҳақида мурожаатчига ёзма ёки электрон шаклда ахборот бериши (18 модда).
4. Таклиф инспекцияга келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқиши, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақида таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кунлик муддатда ёзма шаклда хабар қилиши.

2. Мурожаатчига ахборот бериш.

2.1. Ахборот таркиби ва ҳажми

Барча мурожаатчиларга:
- “Ўздавнефтгазинспекция” марказий аппарати ва ҳудудий бўлимлари жойлашган манзиллари, иш вақтлари, қабул қилиш кунлари ҳамда тартиби;
- жавоб олиш муддатлари тўғрисида ахборот бериши.

2.2. Интерактив хизматлар орқали маълумотлар бериш

Мурожаатчига маълумот олишларида зарур бўладиган маълумотлар доимий равишда инспекциянинг расмий www.uzngi.uz веб-сайти орқали бериб бориши.

3. Иш вақти ва мурожаат жавобларини бериш вақти.

3.1. Иш вақтлари

“Ўздавнефтгазинспекция”нинг жамоа шартномасига асосан бир ҳафтада 5 иш куни соат 9-00 дан 18-00 гача белгиланган.

3.2. Мурожаат жавобларини бериш вақтлари

Ариза келиб тушгандан сўнг, 1.6. бандида белгиланган муддатларда мурожаатни ўрганиб чиқиб, натижаси тўғрисида ёзма равишда ёки электрон почта орқали жавоб хати юбориши.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби.

4.1. Керакли ҳужжатлар

Мурожаатчининг аризаси, шикояти ёки таклифи.

4.2. Хизмат тўлови

Мурожаатчининг аризасига, шикоятига ёки таклифига жавоб хати тақдим қилиш бепул амалга оширилади.

Handwritten signatures and stamps at the bottom of the page.